



«Тасдиқлайман»

Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансери бош шифокори 3.Розумбетова «22» ноябр 2022 йил

Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансеринг 2022 йил «Қиш-бахор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари » учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган энг яхши таклифни танлаш комиссиясининг йиғилиш

### БАЁННОМАСИ № 1

Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансеринг 2022 йил « Қиш-бахор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари » учун ажратилган маблағга энг яхши таклифни танлаш бўйича .

Комиссия раиси	3.Розумбетова	Бош шифокор
Комиссия котиби	Д.Эшимбетов	Хўжалик мудир
Комиссия аъзоси	К.Абдурахманова	Аёллар бўлими мудир
Комиссия аъзоси	Э.Беглиев	Кадрлар бўлими
Комиссия аъзоси	У.Шарипов	Врач психиатр
Комиссия аъзоси	К.Рейимкулов	Старший медбрат

### Тингланди

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-бахор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу сифатли ва арзон маҳсулотларни баҳоларини аниқлаш мақсадида куйидаги Элликқалъа Савдо МЧЖ, Қирккиз Гушт Сут Ф/Х, Навруз МЧЖ лар такдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-бахор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ғамлаш ишларини №186632 сонли лотга 2022 йил 22-ноябр кунги баённома билан Элликқалъа Савдо МЧЖ энг яхши таклифни танлаш ғолиби булиб бу юзасидан 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра куйдаги Товар (иш хизмат)ва маҳсулотлар етказиб берувчилардан куйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Мик Дори (кг)	Элликқалъа Савдо МЧЖ	Қирккиз Гушт Сут Ф/Х	Навруз МЧЖ
<b>Ташкилот манзили:</b>				Элликқалъа	Элликқалъа	Элликқалъа
<b>Ташкилот СТИРИ</b>				<b>200400461</b>	<b>305776945</b>	<b>201845359</b>
1	Элликқалъа тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-бахор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ғамлаш	Лот № 186632 16 200 000 сум	3600	14 580 000	16 200 000	15 836 400

2	Умумий бал		100	69	84,2
ЖАМИ:			<b>14 580 000</b>	<b>16 200 000</b>	<b>15 836 400</b>
Алохида шартлар			Сифатли картошка етказиб бериш талаб қилинади.		

Комиссия раиси З.Розумбетова сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичида Элликкалга Савдо МЧЖ Элликкалга тумани №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат маҳсулотлари ғамлаш учун қиска муддатларда сифатли маҳсулотларни етказиб бериш кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни мухокамаси яқунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли

### Карор қилади :

1. “Элликкалга Савдо” МЧЖ №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат маҳсулотлари ғамлаш ишларини арзон сифатли етказиш кафолатини беришини инобатга олиб, шу корхона билан шартнома тузилсин.

2. Ушбу №2 сон Республика рухий ва асаб касалликлари диспансерида Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат маҳсулотлари ғамлашда картошка маҳсулотини сифатли кобул қилиб олиш ишлари диспансер хўжалик мудир Д.Эшимбетовага юклатилсин.

3. Ушбу карорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош ҳисобчиси У.Шариповга ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.

Комиссия раиси :

З.Розумбетова

Комиссия котиби :

Д.Эшимбетов

Комиссия аъзоси :

К.Абдурахманова

Комиссия аъзоси

Э.Беглиев

Комиссия аъзоси

У.Шарипов

Комиссия аъзоси

К.Рейимкулов

# Олди-сотди шартномаси №155

Бустон шаҳар

«22» ноябр 2022 йил

Бундан буён “БҲЮРТМАЧИ” деб аталувчи РПНД 2 номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи З.Рузимбетова бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи «Элликкальа Савдо» МЧЖ номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи У Абдуллаев бир томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Умумий қиймати
1	Картошка	кг	3 600	4 050	14 580 000
<b>Жами</b>					14 580 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси (Ўн тўрт миллион беш юз саксон минг) сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан ҚҚС сиз).

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар кун ичида конунчилиikka мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 календар кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар кун ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ гамувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиниш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; - камчиликларни беғараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ тузилган шартнома бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича \_\_\_ кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигида мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим

этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судда кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиқдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор)

ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг қўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2 Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва Тарфларнинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

7.3 Мазкур шартнома ҳар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхада тузилади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига қўра ой (бир) давомиди бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи : «Эллиқалъа Савдо» МЧЖ
Манзил: Бустон Шаҳри Беруний шох
Телефон: 61 585 31 55
Факс:
Стир коди 200400461
Оқонх 71150
X/P20208000800414245001
Халқ банк Бустон бўлим
МФО 000646
Раҳбар У Абдуллаев
МҮ.

«Буюртмачи»
(бюджетдан маблағ олувчининг номи) РПНД №2
Манзил: Эллиқалъа тумани Сарибий ОФЙ
Тел./факс 589-24-14
ш/х*100021860352507073201054001
Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳри
х/в** 23402000300100001010
МФО 00014СТИР 200393550
ОҚОНХ 91513
Газначилик бўлинмаси номи
Газна х/в
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014
газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919
Раҳбар
(лавозим)

### Юрист ҳулосаси:

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган «Хужжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мос равишда туғри тузилган

Юрист маслаҳатчи:-

У Абдуллаев

З. Розуриётова